



БУГУНГИ КУНДА ЗАМОНАВИЙ КАСБ ТАНЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ

Юсупов И.Б

Касб-хунар мактаби махсус фан ўқитувчиси

Аннотатсия: *Ушбу мақолада шахсий ҳаётдаги ютуқлар замонавий жамиятда асосан унинг касбий танлови билан боғлиқлиги муҳокама қилинади. Касб танлаш - бу оғир шароитда омон қолиш учун, у аллақачон пойдевор қўйган жихатдир. Тасаввур қилинг, сиз хозир ёшсиз, ўзингиз учун касб танлаш ва завқ билан ишлаш жуда қийин, Шу боис сизга нима кераклигини тасвирламоқчиман.*

Калит сўзлар: *касб, ёш авлод, мутахассислик, иш, йўналиш, танлаш, хунар, меҳнат.*

Бугунги жамиятда шахснинг ҳаётдаги ютуқлари асосан унинг касбий танлови билан белгиланади. Баъзи манбаларда “касб” сўзининг маъноси, таърифи йўқ бўлиб, унинг мазмуни “иш” тушунчаси билан акс этган, ишлаш, қилиш, қўл билан, тана кучи билан ёки ақлий жихатдан бирор нарса қилиш. Замонавий маълумотномаларга кўра, “касб”- бу инсон меҳнат фаолиятининг шакллантирувчи омилидир. Инсон тараққиёти давомида айнан унинг меҳнат фаолияти ҳал қилувчи рўл ўйнаган. Ишлаб чиқариш усули ва меҳнат табиати бўйича инсоният шартли равишда аграр, саноат ва постиндустриал ривожланиш босқичларидан ўтди. Тадқиқотчилар постиндустриал жамиятни билимга асосланган ахборот жамияти деб ҳам аташади. Инсон фаолияти тобора кўпроқ моддий ишлаб чиқариш билан эмас, балки моддий бўлмаган маҳсулот билан технологиялар ва компьютер дастурлари ёрдамида кодланган маълумотлар, билимлар билан боғлиқ. Жамият ҳаётининг “интеллектуализациялашуви” пайдо бўлган. Халқаро ташкилотлар сезиларли даражада ўсиши ва мураккаблашган ахборот тизимлари махсус ахборот ва телекоммуникатсия технологиялари ёрдамида узатилади. Замонавий жамият ҳаёти, унинг тараққиёти шароитида инсониятнинг омон қолиши кўп жихатдан яратилган технологияларга боғлиқ. Ахборот даври замонавий шахснинг ўзини ривожлантиришга, ижодкорликнинг ўзига интилишини келтириб чиқаради, ахборот маҳсулотларини тобора кўпайиб ва кенгайиб боришига йўналтиради ва шу билан бирга ахборот ресурсидан фойдаланиш қобилиятини шахснинг ижтимоий мақомида ҳал қилувчи омил деб ҳисоблаш мумкин. Таълим даражаси, маълумотни билимга айлантириш қобилияти, ижодий фаолият, ахборот муҳитида мустақил ва самарали ҳаракат қилиш қобилияти замонавий инсоннинг ижтимоий мавқеининг янги таркибий қисмидир.



Бугунги кунда ўсиб келаётган ёшларни ўзига бўлган ишончи, куч-ғайрати, кенг дунёқараши билан ажратиб ҳам кўрсатиш зарур. Ушбу дунёқараш ва заковатлари эса уларни атроф-муҳитга, табиатдаги ва жамиятдаги ҳодисаларга қизиқишларидан келиб чиқади албатта. Бу эса ўз навбатида касб танловчининг олаётган билимларидан, кўникмаларидан, малакаларидан, психофизиологик имкониятларидан, индивидуал психологик жихатларидан фазилатларидан ва бошқа шахсий қирраларидан келиб чиқади. Бугунги кунда ўз имкониятини тўғри баҳолай олган инсонгина тўғри йўлни танлай олади. Бу ёшлардаги тиришқоқлик, илмга чанқоқлик, кузатувчанлик, ўзини синаб кўришга интилиши каби жихатларда яққол кўзга ташланади.

Ёшларда ўзига хос равишда айрим касбларга қизиқишлар шу касб билан боғлиқ айрим психологик хусусиятларда кўринади. Мисол тариқасида шуни айтиш мумкинки, ҳозирда қайси боладан сўрасангиз кўпроқ мен тадбиркор бўламан, ўзимни ишимни йўлга кўяман деб жавоб беради. Тадбиркор ва тадбиркорлик бу савдо сотиқ, ишни ташкил этиш, ўзини меҳнати билан капитал ишлаш ҳисобланади. Лекин шундай кўрингани билан болаларда кўпроқ машинага эга бўлиш, пулдор бўлиш, ҳамма нарсани бемалол, хохлаган вақт сотиб олиш каби томонлар кўзга ташланади. Бунинг кўзга ташланмас қийинчиликларини улар кўра олмайдилар ва хаёлига ҳам келтирмайдилар. Шундай ўзига хос бўлган томонлар эса уларни қизиқтириб боради. Ёшларни шундай томонларга қизиқиб бориши улар орасида тадбиркор бўлишга ҳавас уйғотади. Худди шунингдек, дастурчи касби ёки ҳисобчи бўлиш каби томонлар ҳам ёшларни қизиқишларидан келиб чиқади. Нар бир касбни ўзига хос бўлган психологик томонлари борки, бу ёшларни доим ўзига тортиб туради. Қизиқишини англай олган болагина ўзи учун касбни тўғри танлай олади.

Ёшлардаги ҳавас, қизиқиш уларни шу касбни эгаллашга интиштириб туради. Зукко ёшлар шу касбга тегишли бўлган билимларни энг аввало кузатишлар, сўраб билишлар, китоблардан ўқиш орқали, ҳозирги кунда эса интернет орқали билишга ҳаракат қиладилар. Ўзлари қизиққан касблари ҳақида кўплаб маълумотлар тўплайдилар. Ёшларни бирор бир нарсани яратувчанлик қизиқиши инженерлик ёки уни бирор бир бошқа йўналшга етаклайди. Ҳозирда дунёда кўплаб янгиликлар яратилмоқдаки ёшлар ва уларнинг диққатлари доимо қизиқишларидан келиб чиққан ҳолда шу объектларга қаратилмоқда. Ҳар бир соҳанинг ўзига хос бўлган қизиқарли томонлари мавжуддир.

Педагог ҳам болаларга етказиб бериши керак бўлган билимларни сифатли, қизиқарли, етиб борадиган қилиб дарсларни ўтказишга ва ўсиб келаётган ёшлар ўртасидан яхши кадрлар яратишни орзу қилади. Педагог тарбиялаган болалар ўз қизиқишларидан келиб чиққан ҳолда жамиятга кўплаб янгиликлар киритиши мумкин бўлади. Педагог эса шундай кадр яратиб бера олганидан фахрланади албатта. Демак, кўриниб турибдики, ёшларни касбга етакловчи



эҳтиёжларидан бири унинг қизиқишлари ҳисобланар экан. Бу эса инсонни бирор бир нарсага етилиб келган эҳтиёжларидан келиб чиқади. Болалар ўсиб борган сари маълум бир тараққиёт йўлини босиб ўтадилар. Педагогик социологияда айтилганидек бола тарбиясига ўз таъсирини ўтказаётган омиллар уни ўйлашга, ўз манфаатлари йўлида меҳнат қилишга мажбурлайди. Етилиб келаётган ёшлардаги ўзгариш уларда ижтимоий жараёнларга ва бу жараёнлардаги ўз ўрнини билишга чорлайди. Катта бўлаётган, ақл - фаросатга эга фарзанд келажаги ҳақида бош қотиради, ҳаёл суради, келажагини режалаштиради. Булар эса унда кўплаб эҳтиёжларни пайдо қилади. Болалик давридани ўсмирлик ва ўспиринлик даврларига ўтиб бораётган фарзандда психологик ва энг асосийси анатомик-физиологик ўзгаришлар юз бера бошлайди. Энди ёшлар аста-секин ўзидаги табиий, ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий эҳтиёжлар тизимини сеза боришади. Бу қатор эҳтиёжлардан ёшларни касб орқали ўзини таъминлаш эҳтиёжи ҳисобланади. Бу эҳтиёж ёшларни касб танлашга, ўз ҳаётини гўзал қилиб яшашга мажбурлайди. Акс ҳолда уларда жамиятга зид бўлган жараёнлар пайдо бўлади.

Ёшларни касб эгаллаши нафақат уларнинг эҳтиёжи балки жамиятнинг ҳам эҳтиёжи ҳисобланади. Шунинг учун жамият ўз ишлаб чиқарувчиларини яратиши зарур жараёнга айланади. Жамият ишлаб чиқариш орқали яшайди ва ҳаёт кечиради. Жамият эҳтиёжлари ҳар доим ўзгарган ҳолда ўсиб боради. Уни қондиришнинг ягона йўли касб эгаларини тарбиялаш, уларнинг қизиқишларидан келиб чиққан ҳолда янгидан-янги касбларни яратиш ва такомиллаштириш ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бошқа ривожланган давлатларда кўплаб янги касблар пайдо бўлади ва жамият эҳтиёжларини тўлароқ қондиришга интилади.

Жамиятдаги кўплаб эҳтиёжлар шу касбга керак бўлган кадрларни яратишни талаб қилади. Бу эса ёшларда, уларнинг қизиқишларида ва мақсадларида ўз аксини топади. Жамиятда яратувчанликка, ижодкорликка хос бўлган меҳнат кадрланади. Жамият учун яратилаётган маҳсулотлар ва уларни ишлаб чиқариш кўплаб касбларни пайдо қилади. Демак, кўриниб турибдики, инсон ва жамият эҳтиёжлари узвий равишда боғлиқ жараёнлар бўлиб ҳисобланади.

Ҳақиқатдан, шахсдан касб талаб қиладиган психологик хусусиятлар мавжудки, инсонда бу хусусиятлар бўлмаса у бу касбда ўз ютуғига эга бўла олмайди. Касблар ўзидаги фаолиятларни бажариш учун инсондан маълум бир психологик хусусиятларни эгаси бўлишларини талаб қиладилар. Шунини таъкидлаб ўтиш лозимки хотирани яхши бўлишини, диққатни яхши бўлишини, ҳаёл жараёнлардаги қонунларни ўзлаштирган бўлишини, сезгирликни яхши ривожланганлиги, айрим фаолиятларда сабр-тоқат, тартиблилик, интизом, ижодий ёндоша олиш, ҳар хил ҳолатлардан чиқиб кета олиш, ҳалоллик,



меҳнатсеварлик, бошқаларни ҳурмат қилиш ва уларни ҳақ-ҳуқуқларини яхши билиш, билимлилик даражасини юксаклиги, раҳбарлик қилиш учун керак бўлган хусусиятларни билиш, тижорат учун керак бўлган психологик хусусиятларга эга бўлиш каби кўплаб томонлар бу жараёнлар учун керак бўлади.

Жамиятда инсонни қизиқтирган кўплаб касблар борки улар бир-биридан жуда фарқланиб туради ва инсондан касбга лойиқ бўлган психологик хусусиятларни талаб қилади. Дейлик педагог учун дидактик усул жуда мос тушса, актиёр учун хотиранинг, ҳаёлнинг ва бошқа психик жараёнларнинг ўрни бошқача ҳисобланади. Саноатда ишлаётган ишчи, инженер, дизайнер учун ўзига хос психологик хусусиятлар керак бўлади. Яъни дизайнер учун эстетик дид, ҳаёл, тафаккурни эгилувчанлиги, диққат ва жуда нозик ҳолдаги рангларни ажрата олиш каби кўплаб хусусиятлар зарур бўлади. Ҳам оғир, ҳам енгил саноат учун кўплаб хилма-хил касб эгалари керак бўлади. Булар учун ҳам касб психологияси ўзига хос бўлган инсон психикасини қирраларини шу касбга хос томонларини ва шахсда уларни ривожлантириш масалаларини ҳам ўрганиб боради.

Ёшларнинг қизиқиши, мақсад ва манфаатлари ўз дунёқарашларига керак бўлган ва мос тушадиган касбни танлашга, бу касбга хос бўлган психологик томонларни билишга интиштириб туради.

Инсон учун энг зарур нарса — унинг имиджига, “ўзига” эга бўлиш, унинг барча мумкин бўлган жисмоний ва маънавий имкониятларининг зўриқиши шароитида содир бўлади. Биз таълим олгандан сўнг, ҳаёт учун зарур бўлган ҳамма нарсани деярлик биламиз. Бироқ, кўпинча одам ўзи ҳақида, ўзининг ижодий имкониятлари ҳақида кам маълумотга эга, соғлиғини қандай сақлашни билмайди, кайфиятни, руҳий ҳолатни бошқармайди, ҳаёт йўналишини, қиймат кўрсатмаларини танлашда баъзан хато қилади.

Кўриниб турибдики, инсон доимий эволюция, такомиллаштириш учун дастурлаштирилган ва агар унинг биосоциал дастури амалга оширилмаса, муваффақиятсизликлар юзага келади: касалликлар, стресслар, депрессив ҳолатлар. Таълим олишда касб ва йўналишни танлаш келажак учун иш бўлиб, инсон, жамият, цивилизациянинг ижодий салоҳиятини олдиндан белгилаб беради, дунёқараш, хулқ-атвор, иқтисодий ва ахлоқий устуворликларни яратади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Касб психологияси Ф.Р. Абдурахмонов, З.Е. Абдурахмонова. “Баркамол фэйз медиа” нашриёти, 2018. 2. Баева, Л. В. (2008) Информационная эпоха: метаморфозы классических ценностей. Астрахань. 3. Грязнова, Ю. Б. (2010) «Портфель карьер» — технология самоопределения и самоорганизации в



обществе знаний» // Вестник Российского философского общества. №1. С. 61–67. 4.
Лапатухин, М. С., и др. (1981) Школьный толковый словарь русского языка. М. 5.
Фейерабенд, П. (1986) Избр. труды по методологии науки. М.